

Ўзбекистон республикаси  
Олий ва ўрта таълим вазирлиги

*5310900 – Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифат  
менежменти (тармоқлар бўйича)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент

1

ЎЗР 6-  
Бўйруқ № 468  
14.08.2020

## СҮЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» августи даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» августи даги 412 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### 3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 310 000 – Мухандислик иши таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		Бет
1.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти(тармоқлар бўйича)бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>5310900-Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари .....</i>	4
1.2.2.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари .....</i>	5
1.2.3.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари .....</i>	5
1.2.4.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти(тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
2.3.	Касбий квалификациялар.....	9
3.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	9
3.1.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	9
3.2.	<i>5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми...</i>	9
	Библиографик маълумотлар.....	10

## **1. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти(тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шаклари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат атtestация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдор шахсларлар.

**1.2. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти(тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти(тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари**

5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) таълим йуналиши:

- фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йуналиш бўлиб, сифат тизимини ташкил этиш, маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, маҳсулотни сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тадқиқ қилишга йўналтирилган воситалар, усуllар мажмуасини камраб олади.

- фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси йўналиши бўлиб, ер, сув, энергетик ва моддий - техника ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш жараёнларини оптималлаштириш;

- қишлоқ хұжалик маҳсулотлари маҳсулотларини сифатини ошириш, касбий фаолиятида техник воситалардан оқилона фойдаланиш усул ва услублари йиғиндисини үз ичига олади.

**1.2.2. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бүйича) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

–корхона ва ташкилотларда сифат тизими, метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;

– қишлоқ хұжалик ва озик-овқат корхоналарда метрологик таъминот;

– қишлоқ хұжалик ва озик-овқат маҳсулотлари ва хизматлари, маҳсулот сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар;

– стандартлаштириши ташкил этиши назорат қилиш, меъёрий хужжатлар, маҳсулот сифатини синаш ва назорат қилиш;

– маҳсулотни сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, тизимли ёндошув механизмлари, товарларни экспертиза қилиш.

– ер, сув, энергетик ва моддий – техника ресурслари, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, қўшимча кимёвий ва биологик воситалар; техник асбоб ускуналари; қишлоқ хұжалик тизимидағи ишлаб чиқариш жараёнлари;

– қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш жараёнлари;

– илмий тадқиқот жараёнлари;

– қишлоқ хұжалик маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ташкилотларининг бошқарув тизимлари.

Йұналиш бүйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқкан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.3. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бүйича) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- Ишлаб чиқариш-технологик ва хизмат кўрсатиш фаолиятида;
- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;

**1.2.4. 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бүйича)таълим йұналиши бүйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

**Ишлаб чиқариш-технологик ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

– намунавий технологик хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли қўллаш;

– стандартлар лойиҳаларини, услубий ва меъёрий материалларни, техникавий хужжатларни ишлаб чиқиша, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда қатнашиш;

– корхона ва ташкилотларда сифат бошқарувини жорий қилиш;

– қишлоқ хұжалик ва озик-овқат маҳсулотларини стандартлаш ва сертификатлаш;

– корхоналарда метрологик хизматни ташкил этиш;

– иш жойларини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;

– меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хұжалик ва озиқ-овқат корхоналарда сифат тизимини ташкил этиш;
- қишлоқ хұжалик ва озиқ-овқат корхоналарда метрологик таъминот;
- қишлоқ хұжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспертизадан үтказиш;
- маҳсулотни сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш;
- маҳсулотни таркиби ва сифатини текшириш ва баҳолаш;
- тизимли ёндошув механизмларини татбиқ этиш.
- үрнатылған талабларга, амалдаги меъёрлар, қоидалар ва стандартларга риоя қилишни назорат қилиш;
- сифатни бошқариш тизимларини амалда үзлаштиришда қатнашиш;
- метрологик таъминот ва техник назорат бүйича ишлар олиб бориш; замонавий үлчаш, синаш ва назорат усуулларидан ҳамда маҳсулот бошқарувидан фойдаланиш;
- корхоналарда сифат тизимини жорий этишни амалга ошириш;
- участка, цех, бұліммаларда сифат назоратини амалга ошириш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;
- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш усуулларини ишлаб чиқиш;
- сифатлы маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бүйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва сифат тизимлрini жорий этиш;
- конструкторлик ва технологик хужжатлар таркибига кирадиган режалар, дастурлар ҳамда назоратлар, синовлар ва үлчаушларни бажариш методикалар, асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш бүйича йүрікномалар ва бошқа матнли хужжатларни ишлаб чиқышда қатнашиш;
- қасбий этика кодексига риоя қилиш **қобиляйтларига эга бўлиши керак**.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- техник воситалар, жараёнлар, синов қурилмалари, стандартлар ва янги турдаги сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда сифат тизимлари жорий этишни амалиётта татбиқ этиш;
- техник воситалар, сифат тизимлари, жараёнлар, синов қурилмалари, стандартлар ва янги турдаги сифатли маҳсулотларни амалиётта татбиқ этиш, машиналар ва автоматлаштирилған линияларни назоратдан үтказишида зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;
  - Ўзбекистонда ва хорижда чоп этилған сифат тизимиға оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
  - илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
  - мавзуу (топширик) бүйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиши, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олингандан малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
  - илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётта татбиқ этишида қатнашиш **қобиляйтларига эга бўлиши керак**.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- қасбга оид муаммолар ечимларини амалиётта татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараённанда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

**Лойихавий-конструкторлик фаолиятида:**

- технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойихасини тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойихавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халкаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

**Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

- маҳсулотларни сифатини таъминлаш ва уларни назорат қилиш;
- маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳсулотларни сертификатлаштиришни амалга ошириш;
- технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;
- меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва уни ошириш имкониятларини аниqlаш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;
- сифат яхшилаш соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усусларини билиш;
- корхоналарда сифат экспертизасини амалга ошириш;
- сифатни ошириш, маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- асобоб-ускуналар, курилмалар, механизмлар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

**2. 5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тұғрисида тассаввурга эга бўлиш.
- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустакил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурда олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- ўлчашлар бирлигини таъминлаш, Давлат тизимини структураси ва меъёрий базасини, халқаро метрология ташкилотлари фаолияти ва тартиб қоидалар, ўлчов жараёни ва ўлчаш обьектлари, катталиклар, уларнинг сифат ва миқдор тавсифлари, катталиктининг ўлчамлиги техник ўлчов воситалари, халқаро бирликлар тизими, ўлчаш амалини бажариш усуллари, ўлчашда хатоликлар, уларнинг турлари ва таснифланиши, бартараф этиши;

- стандартлаштириш Давлат тизими қоидалари ва структураси, стандартларнинг категориялари ва турлари, Ўзбекистон Миллий стандартлаштириш тизими, стандартлаштиришнинг хуқуқий асослари, стандартларни яратиш, стандартларнинг тоифалари, раҳбарий хужжат, йурикнома; кодлаштириш, унификация, агрегатлаш усулларини кўллаш;

- сертификатлаштириш Миллий тизими, маҳсулотларни сертификатлаштириш, сертификатлаштириш чизмалари, сертификатлаштириш тартиблари, сертификат турлари, техник жиҳатдан тартибга солиши, техник регламентларни ишлаб чиқиш, хавфсизлик кўрсаткичларни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноатида метрологик хизмат ва таъминот, ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими, қишлоқ хўжалик ва озиқ – овқат саноатида метрологик таъминотнинг конуний, хуқукий, ташкилий ва илмий асослари, давлат метрологик назорат ва текширув турлари ва кўлланилиши;

- қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифатни бошқариш, асосий сифат кўрсаткичлар, уларнинг сифатини таъминлаш, назорат қилиш,

сифатли товарлар ишлаб чиқаришни бошқариш, ҳом-ашёнинг заҳираларини қайта ишлашда унумли фойдаланиш усуллари;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш бўйича маҳсус билимларни шакллантириши керак;

- пахтани ҳом ашёсини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича билимларни эгаллаш ва билиш;

- сифат менежменти тизимида аник меъёрий хужжатларнинг асосий қоидаларини ва мажбурий талабларини кўллаш; аник вазиятларда маҳсулотни сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш асосий қоидаларини кўллаш; ISO 9000 халқаро стандарти талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиши; сифат менежменти тизимининг ишчи ҳолатини баҳолаш ва натижавийлигин ҳамда самарадорлигини баҳолаш, сифат менежменти тизимининг хужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва расмийлаштириш;

- сифат менежменти тизимларини баҳолаш тамойиллари ва услублари, сифат менежменти тизимларини бошқаришда статистик усуллар, статистик услубларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, сифатини ўлчаш ва яхшилаш тенденцияларини аниқлаш;

- идентификация ва идентификация структураси тушунчаси, товарларни идентификация қилиш усуллари, меъёрлари ва воситалари, қалбакилаштириш тушунчаси, товарларни идентификация ва қалбакилаштириш турларини ўрганиш, қалбакилаштириш воситалари билан танишиш ва уларни аниқлаш усуллари, қалбакилаштириш оқибатларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш усуллари, товарларни қалбакилаштириш усуллари ва уларни аниқлаш, товарларни идентификациялаш, маҳсулотни қалбикилаштириш оқибатларини ўрганиш, маҳсулотни таркиби ва сифатини текшириш ва баҳолаш, экспертиза турлари, товарларни экспертизадан ўтказиш; қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат товарларини таркибини аниқлаш ва экспертизадан ўтказиш, маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик бўйича экспертиза қилиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилётган ва ташқаридан келтирилаётган маҳсулот ва товарларни сертификатлаштириш ва синаш, маҳсулотларни синаш усуллари, маҳсулотларни синаш бўйича меъёрий хужжатлар, маҳсулотни декларация қилиш, маҳсулотни мувофиқлик сертификати, санитар гигиеник сертификати,

фитосанитар ва бошқа турдаги сертификатлар, маҳсулотларни синаш усуларини танлаш, синов натижаларини расмийлаштириш ва баҳолаш;

### **2.3. Қасбий квалификациялар**

Кишлоқ хұжалиги маҳсулотларини назоратчиси, балиқчилик маҳсулотларини назоратчиси, озик-овқат ва санитария нұктай назаридан назоратчиси, гүшт ва гүшт маҳсулотларини назоратчиси, сифат назоратчиси, сув сифати назоратчиси, озик-овқат маҳсулотлари сифатини тәширувчи лаборант, катта лаборант, синов лабораторияси бошлиғи, кишлоқ хұжалик ва озик-овқат маҳсулотлари корхонаси метрологик хизмат бошлиғи ва таъминотчиси, сертификатлаштириш идораси лаборант.

**3. 5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бүйича) бакалавриат таълим йұналиши үқув режаси ва фандастурлар мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**3.1. 5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бүйича) бакалавриат таълим йұналиши үқув режаси ва фандастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йұналиши үқув режаси ва фандастурлар таълим йұналиши бүйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда қасбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофик, талабалар мажбурий ва танлов фанларини үзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада қасбий фаолиятида зарур билим, кўнікма ва малака компетенцияларини эгаллашими таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Үқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда үқув жараёни графиги, хафталар кесимида ўқиши вакти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бүйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Үқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан хамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2. 5310900 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати мененежменти(тармоқлар бүйича) бакалавриат таълим йұналиши үқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкари үқув ишларини ўз ичига олган үқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиши шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Үқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда үқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Үқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таяинч сўзлар:**

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш Товарлар, кимёвий таркиб, сертификатлаш, синфлаш, метрология, стандартлаштириш, жараён, сифат, тадқиқ қилиш усуллари, сифат менежмент тизими, аудит, комплекс система, бошқариш, маркировка, штрих кодлари, ракобатбардош, назорат системаси, ҳом-ашё, захира, ассортимент, усуллар, техник регламент, Техник жиҳатдан тартибга солиш, ҳавфсизлик менежмент тизими, қалбакилаштириш, идентификация, аккредитация, кимёвий-техник таҳлил, тасниф, ноорганик ва органик товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, экспертиза, ҳавфсизлик, микробиология, санитария, гигиена, синов қурилмалари, маҳсулотларни синаш.

## Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

2020 йил « 20 » июль

М.ў.



### КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш муркази

Директор  З. Хакимов

2020 йил « 20 » июль

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кадрлар ва ўкув юртлари ва малака ошириш

бўлим бошлиги  Ш.Жониколов

2020 йил « 30 » июль

М.ў.



“Ўзстандарт” агентлиги  
Ўзбекистон миллый метрология  
институти. ДК

Директор  Л.Ф.Сайдорипов

2020 йил « 30 » июль

М.ў.



Стандартлаштириш, сертификатлаштириш  
ва техник жихатдан тартибга солиш  
илмий-тадқиқот институти



Директор  А.Хамдамов

2020 йил « 30 » июль

М.ў.



**5310900 –Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти  
(тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 5А310901–  
Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (кишлок хўжалиги  
маҳсулотлари) магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўкув  
режасини ишлаб чиқрувчи Ишчи гурӯх таркиби**

<b>т/р</b>	<b>Ишчи гурӯх раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи</b>	<b>Имзо</b>
<b>Раис</b>			
1	А.Шокиров	Кишлок хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети декани, доцент	
<b>Аъзолари:</b>			
2	М.Хамидов	Кишлок хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети ЎУК раиси, ишчи гурӯх раиси ўринбосари	
3	С.Я.Шарипов	Кишлок хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси мудири, т.ф.н., доцент	
4	А.А.Хакимов	Агробиотехнология кафедраси мудири, PhD	
5	М.П.Парпиев	Кишлок хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси мудири, т.ф.н., доцент	
6	Ш.Э.Умидов	Кишлок хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси катта ўқитувчisi	
7	М. И.Одинаев	Кишлок хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси катта ўқитувчisi	
8	О.Х.Абдурахманов	Кишлок хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси катта ўқитувчisi	
9	А.М.Назаров	Кишлок хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси ассистенти	
10	Н.А.Нематов	Кишлок хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси ассистенти	
11	Б.Т.Хошимов	Кишлок хўжалик маҳсулотларини стандартлаш ва сертификациялаш кафедраси ассистенти	

**Ўқув ишлари бўйича проректор**





**С.Я. Исламов**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**

**Бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар  
истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака  
талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти (тармоқлар бўйича)	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилияtlарга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- стандартлар лойиҳаларини, услубий ва меъёрий материалларни техникавий хўжжатларни ишлаб чиқишида, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда қатнашиш;</li> <li>- маҳсулот сифат даражасини баҳолаш. унинг сифатини тахлил қилиш ва номувофиқликни олдини олиш ҳамда бартараф этиш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиши билиш;</li> <li>- стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларида қатнашиш, корхонада (ташкилотда) қўлланиладиган стандартлар, меъёrlар ва бошқа хўжжатларни амалдаги хуқуқий актларга ва техник жихатдан тартибга солиш ривожланишини илғор тенденцияларига мувофиқлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш;</li> <li>- сифат менежменти тизимларини жорий этиш, янги назорат улчаш воситаларини жорий қилиш режаларини тайёрлашда. сертификатлаш талабномаларини тузишда иштирок этиш;</li> <li>- техник воситаларни, тизимлар. жараёнлар асбоб-ускуналар ва материалларни сертификатлашга тайёрлаш ишларида. сертификатлаштириш идораларини. ўлчаш ва синов лабораторияларини аккредитациясини ўtkазишида иштирок этиш;</li> <li>- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хўжжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурый билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;</li> <li>- ахборот йигиши, сақлаш, қайта ишланиш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;</li> <li>- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга</li> </ul>

		<p>бұлиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- техник воситалар, сифат тизимлари, жараёнлар, синов қурилмалари, стандартлар ва янги турдаги сифатлы маҳсулотларни ишлаб чиқариш, машиналар ва автоматлаштирилған линияларни назоратдан үтказында зарур бўлған ташкилий ишларда иштирок этиш;</li> <li>- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;</li> <li>- намунавий технологик хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли қўллаш;</li> <li>- стандартлар лойиҳаларини, услугбий ва меъёрий материалларни, техниковий хужжатларни ишлаб чиқишида, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда қатнашиш;</li> <li>- сифатни бошқариш тизимларини амалда жорий қилишда қатнашиш;</li> <li>- метрологик таъминот ва техник назорат бўйича ишлар олиб бориш;</li> <li>- замонавий ўлчаш, синаш ва назорат усулларидан ҳамда маҳсулот бошқарувидан фойдаланиш;</li> <li>- участка, цех, бўлинмаларда сифат назоратини амалга ошириш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилишни билиш;</li> <li>- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш усулларини билиш;</li> <li>- конструкторлик ва технологик хужжатлар таркибиға кирадиган режалар, дастурлар ҳамда назоратлар, синовлар ва ўлчашларни бажариш методикалар, асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш бўйича йўриқномалар ва бошқа матнли хужжатларни ишлаб чиқишида қатнашиш;</li> </ul>
2	5A310901	<p><i>Маҳсулотлар хавфсизлігі ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари)</i></p> <p><i>5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти (тармоқлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар билиши шарт бўлған барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</i></p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>- табиат ва жамиятда юз берадиган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;</li> <li>- шахснинг инсон, жамият, атроф мухитга бўлған муносабатини тартибга солувчи хуқукий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиш;</li> <li>- янги билимларни мустақил әгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;</li> <li>- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;</li> <li>- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;</li> <li>- ахборотни тўплаш, саклаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини әгаллаши;</li> <li>- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;</li> <li>- ўз фаолиятида меъёрий-хуқукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;</li> <li>- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;</li> <li>- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференциялар, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;</li> <li>- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;</li> <li>- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;</li> <li>- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;</li> <li>- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;</li> <li>- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни билиш;</li> <li>- мева-сабзвотлар, дон ва дала маҳсулотларини саклаш жараёнларини илмий асосланган ҳолда ташкил этишни ўрганиш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;</li> <li>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;</li> </ul>
--	--	--

		-замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерактив таълим усулларини эгаллаган бўлиши лозим. - патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши; -давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим
--	--	---

**Кишлоқ хўжалиги вазирлиги қадрлар ва ўқув юртлари ва  
малака ошириш бўлим бошлиғи**

**Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан  
тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори**



**Ш. Жониқулов**

**А. Хамдамов**

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан  
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Қибрай тумани

“30” сюнья 2020 йил

**Қатиашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиги - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўкув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиги – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиги ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгashi раиси - А.Хайтов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўкув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиги – И.Султонова, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Курбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Фалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Кувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биалогияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя килиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқаг соҳаси иктисадиётни илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза килиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлантириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўкув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўкув-услубий бошқармаси бошлиги-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйргуда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини мухокамаси.

**Сўзга чиқди:** А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйргуда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва қўнималарига қўйиладиган талаблар, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, КарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхонларнинг малакали мутахассислари иштирокида мухокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидағи илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан такриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳакида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўкув режалари ҳакида йигилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Эшитилди:** ТДАУ ректори Б.А.Сулаймонов – Узбекистон Республикаси Президентининг “Аграр таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида асосий кадрлар истеъмолчилари хисобланган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг таклифлари асосида 25 та бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимида тайёрлаш йўлга кўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун хафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўкув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланади. Бакалавриат таълим йўналишларининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Университет ишчи гурухлари томонидан ривожланган хорижий тажрибалар асосида куйидаги 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўкув режалар ишлаб чиқилди:

№	Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари иоми	
	шифри	
<b>Бакалавриат таълим йўналишлари</b>		
1	5230100	Иқтисодиёт (кишлоқ хўжалигида)
2	5230400	Маркетинг (кишлоқ хўжалигида)
3	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (кишлоқ хўжалигида)
4	5232500	Логистика (агрологистика)
5	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият
6	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоклар бўйича)
7	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кишлоқ хўжалигида)
8	5320500	Биотехнология (тармоклар бўйича)
9	5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик
10	5410200	Агрономия (дэҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
	5410200	Агрономия (анорчилик)
	5410200	Агрономия (дончилик)
	5410200	Агрономия (пахтачилик)
	5410200	Агрономия (мойли экинлар)
	5410200	Агрономия (шоличилик)
	5410200	Агрономия (ем-хашак экинлари)
	5410200	Агрономия (соя экини агротехникаси)
	5410200	Агрономия (техник экинлар)
	5410200	Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)
11	5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (екин турлари бўйича)

№	Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
12	5410400	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилиги (екин турлари бўйича)
13	5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
14	5410600	Зооинженерия (асаларичилик)
15	5410600	Зоинженерия (балиқчилик)
16	5410800	Ўрмончилик
17	5410900	Ипакчилик ва тутчилик
18	5411000	Мевачилик ва узумчилик
19	5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
20	5411200	Манзарали боғдорчилик ва кўкарамзорлаштириш
21	5411500	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
22	5411600	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик
23	5411700	Иссикхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш
24	5610300	Туризм (агротуризм)
25	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигига)
<b>Магистратура мутахассисликлари</b>		
1	5A230102	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигига)
2	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигига)
3	5A232501	Логистика (агрологистика)
4	5A233301	Агробизнес ва инвестицион фаолият
5	5A310901	Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари)
6	5A320501	Биотехнология (маҳсулот тури бўйича)
7	5A410101	Агротупроцеснуослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)
8	5A410102	Агрокимё
9	5A410201	Агрономия
10	5A410202	Ўсимликшунослик (екинлар гурухлари бўйича)
11	5A410203	Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги
12	5A410301	Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича)
13	5A410302	Энтомология
14	5A410303	Фитопатология
15	5A410304	Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат
16	5A410401	Селекция ва уругчилик (екинлар гурухлари бўйича)
17	5A410501	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
18	5A410606	Балиқчилик
19	5A410801	Ўрмончилик
20	5A410901	Ипакчилик
21	5A410902	Тутчилик
22	5A411001	Сабзавотчилик ва полизчилик
23	5A411002	Мевачилик
24	5A411003	Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш
25	5A411004	Картошкачилик
26	5A411005	Мева-сабзавотчиликда биотехнология
27	5A411101	Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси
28	5A411201	Аҳоли яшаш жойларини кўкарамзорлаштириш ва ландшафтли дизайн
29	5A411202	Манзарали боғдорчилик

№	Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари номи	
	шифри	
30	5A411501	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
31	5A411701	Ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги
32	5A411702	Субтропик ва цитрус мева экинлари
33	5A630102	Экология (қишлоқ хўжалигига)

